



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН.

20 апрель 1971 йил, сешанба

№ 90 (14.960).

Баҳоси 2 тийин.

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ СОФИЯДА

СОФИЯ, 19 апрель. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг делегацияси Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг тахлифига бинаён Болгария Коммунистик партиясининг X съездида иштирок этмоқ учун бугун Болгария Халк Республикаси пойтахтига жетди.

Марказий вокзалда делегацияни Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Тодор Живков, Болгария Халк Республикаси халқ мажлиси президиумининг раиси Георгий Трайков ва бошқа расмий кишилар кутиб олишди.

Делегация учун ажратилган резиденцияга бориш йўлида Софиянинг неча ўн минглаб граждандари совет меҳмонларини шоду-хуррамлик билан табриқладилар.

ФИНЛЯНДИЯ БОШ МИНИСТРИ А. КАРЬЯЛАЙНЕН МОСКВАГА КЕЛДИ

Финляндия республикасининг Бош министри Ахти Карьялайнен 19 апрелда Совет ҳукуматининг меҳмони сифатида расмий визит билан Москвага келди.

Финляндия республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэропортда дўст мамлакат ҳукумати бошчилигида СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи уринбосари Д. С. Полянский ва бошқа расмий кишилар кутиб олишди. (ТАСС).

1 МАЙ ШАРАФИГА

МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ

ЖАНГОВАР ЧАҚИРИҚЛАР

Улуғ Ленин таваллудининг йиллик асри бошланган, жонанжон партиянинг коммунистик қурилишда янги босқични белгилаб берган XXIV съезди бўлиб ўтган йилда, бутун жаҳон халқлари тинчлик, демократия, социал тартиқнинг учун курашда ҳар қачонгидан ҳам жипслашган шу баҳор айёнида планетамиз ўзга коммунистик партиянинг 1 Май Чакриқлари янгради. КПСС Марказий Комитетининг коммунизм бинаёри — улуғ совет халқига, янги жаҳон қурилишининг етакчи кучи бўлган халқаровон ишчилар сингига, даврийнинг шон-шарофи ва ғайиботи бўлган бу синф билан ёнма-ён туриб коммунизмга пойдевор қўётган азамат колхозчи деҳқонларга, жаҳондаги барча халқларга қарата йўллаган кутловлари коммунизмнинг, инсониятнинг баҳорини яратадиганларнинг кучига-кучи, қувватига-қувват қўшади. миллион-миллион меҳнатшас оммави марксизм-ленинизмнинг зафарли байроғи остида янгида-янги улкан ғалабаларга қорайди.

Совет халқи ярим асрдан сал нўпроқ—тарихан жуذا қисқа давр мобайнида, инхотиб бир авлодининг умри давомида ўз миниб ва кўлами жихатида шундай улғувор ишларни амалга оширдими, бу ишларнинг ҳар бири янги асрлар мазмунига тенг! Маъна шу эришган ютуқларимиз ва кўлга киритилган ғалабаларимизнинг илҳомчили ва ташкилотчили В. И. Ленин барпо этган улуғ Коммунистик партиясиздир. Шу босқидан ҳам шонли партиямиз бош штаби—ленинча Марказий Комитетимизнинг Чақириқларидаги куйдаги сўзларни зўр ифтихор ва фахрланиш туйғулари билан яна ва яна такрорлаймиз:

— Владимир Ильич Лениннинг номи ва иши асрлар бўйи яшай-версин!

Халқимиз улуғ Ленин номини дилга жо қилиб, коммунизмнинг мухташам бинаёсини қурмоқда. Халқимиз улуғ Ленин номини дилга жо қилиб, инсониятга бахт-саодатни яша шўлини очиб бермоқда. Биз кўлга киритган ва киритибган ғалабаларимизнинг манбани ишчилар синфи билан колхозчи-деҳқонларнинг метиндек мустаҳкам иттифоқига деб биламиз. Шу босқидан ҳам Марказий Комитетимизнинг бу иттифоқ ҳақида айтган сўзларини бутун совет халқининг фикр-уйини ифодаловчи сўзлар деб қабул қиламиз.

Яшасин ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқи! Совет жамиятининг бузилмас ғосвий-сиёсий бирлиги мустаҳкам-давраверсин!

Йилнингизда ўз ишини тамомлаган КПСС XXIV съезди мамлакатимизда янги келгусида қилингандалар улуғвор ишларнинг улкан программасини белгилаб берди. Съезд белгилаб берган бу режаларни амалга ошириш халқимиздан натта куч-ғайрат сарфлашни талаб этади. Бутун совет халқи натори республикамиз меҳнаткашлари ҳам беш йиллик планин муддатдан илгари адо этиш учун умумхалқ мусобақасини авж олдириб юбордилар. Кунинча бўлиб ўтган Бутуниттифоқ шанбаиғи буни ёрқин намойиш қилиб кўрсатди. Шанбалик барча меҳнаткашларнинг партия ишига, улуғ Ленин васиятларига садоқатининг рамзи бўлди.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Беш йилликнинг энг асосий вазифаси — социалистик эконоини янги нудратли юксалтириш асосида халқ фаворонлигини анча ошириш вазифасининг муваффақиятли бажарилиши фидокорон меҳнатимизга боғлиқдир. Янги беш йиллик планин амалга ошириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришгиз!

Жанговар Чақириқларидаги бу илҳомбахш сўзлар ресубликамизнинг кенсая-ёш барча меҳнат аҳлини янги зафарларга отланганда, Шижоаткор ишчиларимиз Чкалов номи самолёт-созилин заводининг илгори ишчиси А. А. Деватованинг «Беш йиллик ни тўрт йилда» деган ташаббусини кенг қўллаб-қувватламоқдалар. Колхоз ва совхозларимизнинг шер биллиги марду-майдонлари чигит экиш сурьатларини тобора қизитмоқдалар, илгори ҳўжаликлар эса дастлабки ғўза парварлишини бошлаб юбордилар.

Партияимизнинг 1 Май Чақириқларида Совет Иттифоқи халқларининг барча табақаларига қарата айтилган калб сўзлари ҳаммамиз ва ҳар биримиздан Ватан бахт-саодатини йўлида бугун нечагидан, эртага бугунгидан ахшироқ ва умумилроқ меҳнат қилишни, ишлаб чиқаришни янги-янги резервларини ишга солишни талаб этади. Бу эса партия, совет, комсомол, касабаси союз ва бошқа жамият ташкилотлари олиб бораётган ташкилотчилиги ва сиёсий-оммавий ишлар савиясини тағин ҳам кучайтиришни тақозо қилади.

Халқлар дўстлиги, пролетар интернационализмин принципларига содиқ бўлган жонанжон партияимизнинг 1 Май Чақириқларида жаҳондаги барча меҳнаткашларга аналган ва қизгин қардошлик саволлари, социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саволи янграйди. Ҳар қачонгидек ҳозир ҳам Совет Иттифоқи тинчлик, тартиқнинг учун курашларининг авангиди деган буюн тарихий миссиясини садоқат билан ўтамоқда. Табиийки, Чақириқларда жаҳондаги революцион кучларга қарата даъваткорона сўзлар ўз ифоси, дасини топаган. Мард Вьетнам халқи, Лаос ва Камбоджанинг жасур ватанпарварлари, империалистик агрессияга қарши курашда бирли ва жипсликни мустаҳкамлашга интилаётган араб мамлакатлари, нинг халқлари шаънига самийи қардошлик фикр-туйғуларини изҳор этилган.

Халқимиз баҳор байрамини, жаҳон меҳнаткашларининг халқорон бирдамлик кунин байрамини куч-қувватга тўлган, порлоқ келмак—коммунизм қурилиши йўлида янгида-янги муваффақиятларга эришаётган, тартиқнинг янги, улкан марралари сари дадил бораётган ҳолда кутиб олмақда.

Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида Ленин йўлидан коммунизм ғалабаси сари, олға!

ПАРТИЯМИЗ Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларида биз, қурувчиларга қарата шундай дейилади:

«Қурилиш ходимлари! КПСС XXIV съезди капитал қурилиш соҳасида қўйган вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш учун курашингиз! Қурилиш ишларининг сифатини яхшилашга ва қийматини камайтиришга, янги ишлаб чиқариш қувватлари, уй-жой биналари ва маданий-маиший объектларини тезроқ яшга туширингиз!».

Йилликда эришилган ютуқларни мустаҳкамлашга интилоқдалар. Фақат ўтган йилнинг ўзида Чуст райони территориясида Резаксий донери қурилиш битказилди. Наманган районида янги канал ишга туширилди.

Янги беш йилликнинг биринчи йилини ҳам яхши бошладик. Коллективимиз биринчи квартал планин муддатдан беш кун илгари бажарди. Съезд шарафига планга қўшимча 200 минг сўмга яқин қурилиш-монтаж ишлари адо этилди.

АМАЛИЙ ЖАВОБ

Бошқармамиз ишчилари, инженер-техник ходимлари бу Чақириқларни зўр меҳнат қўриқчилиги билан кутиб олдилар. Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси бу вазифаларни амалга оширишни ўзининг инсоний бурчи деб билимоқда.

КПСС XXIV съездининг Директиваларида ҳам капитал қурилишга алоҳида катта аҳамият берилди. Беш йил ичида капитал қурилишга сарфланган маблағларни 36-40 процент қўнайтириш кўзда тутилган. Бошқармамиз қурувчилари буни чўчур ҳис этган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Саккизинчи беш йилликда эришилган ютуқларни мустаҳкамлашга интилоқдалар. Фақат ўтган йилнинг ўзида Чуст райони территориясида Резаксий донери қурилиш битказилди. Наманган районида янги канал ишга туширилди.

Бу йил Шимолий Фарғона каналини реконструкция қиламиз. 1973 йилга бориб эса Қосон адирларидан 10 минг гектар ерни ўзлаштириш инжонини берадиган Тениктош каналининг дастлабки 7 километрини фойдаланишга топширамыз. Қўллаб янги ерлар ўзлаштирамиз.

Шу қўшларда қурувчиларимиз КПСС XXIV съезди Директиваларида олдинкига қўйилган вазифаларни амалга ошириш режаларини тузмоқдалар.

Т. АБДУЛЛАЕВ,
Наманган қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи.

БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА

Каттақўрғон — Самарқанд областининг йирик саноат шаҳри. Бу ерда ёғ-мой комбинати, пахта тозалаш, пилла уруғлиги заводи, нон комбинати, майиш хизмат кўрсатиш фабрикаси, темир кўл станцияси, бир неча савдо базалари, «Ингичка» кон бошқармаси ва бошқа саноат корхоналари ишлаб турибди. Ана шу корхоналарда минг-минглаб ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимлар меҳнат қилмоқдалар.

Шаҳар саноат корхоналари тўққизинчи беш йиллик биринчи йилнинг дастлабки ойларида яхши кўрсаткичларини қўлга киритмоқдалар. Беш йилликнинг ўтган 3,5 ойида маҳсулот ишлаб чиқариш ва маҳсулотни реализация қилиш плани ошириб бажарилди. Бу соҳада бизнинг пахта тозалаш заводимиз ишлари ҳам чакни эмас. Заводимиз коллектив КПСС XXIV съезди давом этётган кунларда меҳнат ваҳтасида туриб ишлаб, смена ва кундалик топшириқларини орти билан адо этиб борди. Меҳнат унумдорлигини ҳар қачонгидан ҳам оширди. Апрель ойининг биринчи ўн кўнлигида пландаги 1200 тонна ўринга қариб 1300 тонна пахта толаси ишлаб чиқарилди. Кўшимча микдорда маҳсулот реализация қилинди.

Пахта тозаловчиларимиз Москвадаги Ленин комсомол номи автомобил заводи ишчи ва хизматчиларининг 17 апрелда коммунистик шанбалик ўтказиш ташаббусига яқинлиги билан қўшилиб, ўнча пухта ҳозирлик қилишди. Барча коммунист, комсомол ва ишчиларнинг эътибори шанбаликни юксак савияда ўтказишга қаратилди. Ҳар уч смена бўйича 420 ишчи ва хизматчи шанбаликка тўла қатнашди. Жами 125 тонна тола, 15 тонна момиқ ишлаб чиқарилди.

Бундан ташқари коммунистик шанбаликда заводга қарашли барча пахта пунктлари коллективлари ҳам актив қатнашдилар. Завод қандашдаги автобазанинг шофёрлари пунктлардан пахта ташималар қилдилар. Қабул пунктларидан заводга кўп микдорда пахта ташиб келтирилди. Заводда тозаланган чигитнинг ҳаммаси шаҳардаги ёғ-мой комбинатига жўнатилди. Шанбаликдан тушган маблағ беш йиллик фондида ўтказилди.

Р. МУҲАММADOV,
Самарқанд область, Каттақўрғон пахта тозалаш заводи партия комитетининг секретари.

ТАСС АХБОРОТЛАРИ «МЕТЕОР» ОРБИТАДА

1971 йил 17 апрелда Совет Иттифоқида Ернинг метеорологик йўдоши — «Метеор» учирилди. Бу йўдошини учиртишдан кузатишган асосий вазифа ёғ-ҳаво тўғрисидаги оператив ишларни бажариб туриш учун зарур бўлган метеорологик ахборотларни олиб туришдан иборат.

Йўдош чикариб қўйилган орбитанинг параметрлари куйидагича:

- Ер юзасидан энг узоқлашган масофаси (апогейда) — 646 километр;
- Ер юзасига энг яқин масофаси (перигейда) — 620 километр;
- Орбитанинг оғиши — 81,2 градуc;
- Ер атрофини айланиб чиқишнинг дастлабки даври — 97,2 минут.

Йўдошда ўрнатилган метеорологик аппаратлар булут қатламлари, нинг тасвирини, ер курагининг ёрилган ва соя томонларидан нор қатламларининг тасвирини олиб туришга, шунингдэн Ер ва атмосфера акс эттириётган ва узидан чикариб турган иссиқлик энергияси тўғрисида маълумотлар олиб туришни таъминлайди.

«Метеор» йўдошда метеорологик аппаратлардан ташқари яна йўдошини ерга доимий йўналтириш туринини таъминлайдиган система, кўйиб батареяларини муқтали равишда кўйишга йўналтириб турадиган электр таъминот системаси, орбита элементларини аниқ ўлчаб берадиган радиосистема, асбоблар ва илмий аппаратларнинг иши тўғрисидаги маълумотларни ерга юбориб турадиган радиотелеметрик система ҳам бор.

Йўдошда ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координатлаш-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

Метеорологик ахборотларни СССР Гидрометцентри ишлаб чиқиш ва фойдаланиш учун қабул қилиб олмақда. (ТАСС).

«САЛЮТ» УЧИРИЛДИ

Космик фазонинг тадқиқ қилиш программасига мувофиқ, 1971 йил 19 апрелда Совет Иттифоқида орбитал илмий станция «Салют» учирилди.

Станция ҳисоблаб қўйилган орбитага яқин орбитага чикарилди. Бу орбитанинг параметрлари куйидагича:

- Ер юзасидан энг узоқлашган масофаси (апогейда) — 222 километр;
- Ер юзасига энг яқин масофаси (перигейда) — 200 километр;
- Ер атрофини айланиб чиқиш даври 88,5 минут;
- Орбитанинг оғиши — 51,6 градуc.

Станцияни учуришдан мақсад—унинг конструкцииси ва бор системалари элементларини пиши, тиш, космик учини чоғида илмий тадқиқотлар ва экспериментлар ўтказишдир.

Телеметрик ахборот маълумотларига қараганда, станциянинг бор системалари, агрегатлари ва илмий аппаратлари нормал ишлаб турибди. Координатлаш — ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари! Бутун куч-ғайратингизни КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга оширишга, тўққизинчи беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажаришга сарфлангиз!

Коммунистик қурилишнинг янги муваффақиятлари сари, олға!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАН ОЛДИ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

ҲИССА

Тошпўлатова, Х. Мадаминаова, Б. Салимов, М. Ибрагимова сингари илгори ишчилар, ўз зиммаларига шахсий мажбуриятлар олиб, меҳнат қилишляпти.

Коллективимиз Москвадаги В. И. Ленин комсомол номидаги автомобил заводи ишчилари ташаббусига қўшилиб, шанбалик кунда 30 минг сўмлик шойи газламалар ишлаб чиқардилар. Шанбаликдан тушган маблағ беш йиллик фондида ўтказилди, — деди фирма партия ташкилотининг секретари ўртоқ М. Мадаминаов.

Ф. ЛУТФУЛЛАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбирлар постининг аъзоси.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ СОВХОЗ ИШЧИЛАРИ ҲУЗУРИДА

УНГЕНИ (Молдавия ССР), бир минг гектардан кўпроқ 18 апрель. (ТАСС мухбири). Болгария Коммунистик партиясининг X съездида қатнашадиган КПСС делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ва делегация аъзолари — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина ССР Министрлар Советининг Раиси В. В. Шершневский, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудари К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитети аъзолигига қандидат, КПСС Новгород области комитетининг биринчи секретари В. Н. Базовский Софияга боратибди, чегарадаги Унгени станциясида тўхтаб турган вақтларида Молдавия Коммунистик партияси раҳбарлигининг ва республика ҳукуматининг тахлифига бинаён бугун «Прут» совхозига бордилар ва

ерга жойлашган юбо Пальметта боғини кўздан кичирдилар. Л. И. Брежнев ва делегация аъзолари боғда кўлмакни ишларини бориш, боғни ривожлантириш истикболлари билан танишиб чиқдилар. Ўртоқ Брежнев ишчилар билан учуради, уларнинг турмуш, меҳнат шарафати билан қанди.

Сўнгра Л. И. Брежнев Молдавия Коммунистик партияси район комитетларининг биринчи секретарлар билан учурашди сўхбатлашди. Сўхбатда Молдавия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. И. Бодюль, Молдавия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Ф. Ильяшенко, Молдавия ССР Министрлар Советининг Раиси П. А. Паскарь ва Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг бюросининг бошқа аъзолари қатнашдилар.

ЎРТОҚЛАРЧА УЧРАШУВ


БУХАРЕСТ. (ТАСС). Болгария Коммунистик партиясининг X съездида бораётган КПСС делегациясининг 18 апрелда йўналиш таъинишда (Бухарестда) Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитети Ийрония комитетининг доимий президиумининг аъзоси,

Марказий Комитет секретари ўртоқ П. Никулеску — Мизиль кутиб олди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев билан ўртоқ П. Никулеску — Мизиль ўртасида қисқачина ўртоқларча сўхбат бўлиб ўтди.

Тошкентдаги трактор-йиғув заводи коллектив КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан руҳланиб меҳнат унумдорлигини кўп савиб оширмоқда. Унлаб пешқадамлар кундалик нормани 1,5 ҳиссага етказиб адо этмоқдалар. Суратда Норхона илгориладан П. Шокулов (чапда) ва М. Мирпўлатов ўртоқлар иш устида.

Фотоматҳалар



ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ
МОСКВА «МУЗ УСТИДА БАЛЕТ» ДАВЛАТ АНСАМБЛИ
КОЛЛЕКТИВИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЕРЛИГИ БИЛАН
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳридаги гастрол кунда, «Муз устида балет» Давлат ансамблининг коллектив ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ,
Секретари
Р. САХИБОВЕВ.

1971 йил, 19 апрель,
Тошкент шаҳри.

